ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 28 июн
пайшанба № 79 (2336)

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.*

*Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-уқубатлар, синов ва тазйиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадрлаймиз.*

*Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.*

*Авваламбор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиш ва бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш - буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшиласиз.*

*Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.*

*Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.*

*Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.*

*Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-мазмуни ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши қувончлидир.*

*Айни пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар таҳририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни ҳам тақозо этади.*

*Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.*

*Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***Кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимларидан бир гуруҳига O`zKUFКнинг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.***

**Суратларда: мукофотларни топшириш пайти.**

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**





***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланади.***

***Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган тадбир мазкур санага бағишланди. Унда турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, фахрий журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

## Оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш ва демократлаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни халқимизга тезкор, холис, ҳаққоний тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг эркин, ошкора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбий малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Олий журналистика курсида журналист кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган, турли мафкуравий ва ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган мураккаб давр журналистлардан янада фаол, теран тафаккур соҳиби бўлишни, Ватанимизнинг, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди. Ғолибларга совринлар топширилди.

Анжуманда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида самарали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус мукофотлари топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июн куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 июн куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## «ISHONCH» ва «ISHONCH — Доверие» газеталари таҳририятига

***Азиз дўстлар!***

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайди.***

***Энг машаққатли касблардан бўлмиш журналистика соҳасининг ўлчов ва мезонлари шу қадар кенгки, уни бир оғиз сўз билан мухтасар ифодалаш қийин. Мустақиллигимизнинг тарихан қисқа даврида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар қатори журналистика соҳасида, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.***

***Оммавий ахборот воситалари умуминсоний ғояларнинг эркин минбарига айланиб бораётган даврда ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳа бўладими, меҳнаткашларнинг давлатга, жамиятга ўзаро муносабатлари бўладими, ён-атрофимизда тинимсиз ўзгаришларга учраб турган воқеа-ҳодисалар баёни бўладими — барча-барчаси биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли ахборот мақомини олиб, кишилар онги-шуурида ўз аксини топади.***

***Адолат ҳимояси учун ҳамиша шай туриш мисли кўрилмаган фидойиликни талаб этади. Холислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидасига айланиши шарт, деганда биз авваламбор, давлат ва халқ манфаатининг ҳар жиҳатдан устуворлигини тушунамиз.***

***Кейинги пайтда Республика касаба уюшмалари органи сифатида чиқаётган «Ishonch» ва «Ishonch — Доверие» газеталари саҳифаларида ёритилаётган туркум мақола ва очерклар газетхонларнинг эътирофига сазовор бўлаётганлиги кўнгилда ифтихор туйғуларини уйғотади. Бунда таҳририят жамоаси ва унинг жойлардаги мухбирларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.***

***Касаба уюшмалари ва газета ўз зиммасига олган вазифалар жуда ўхшаш. Шиоримиз ҳам бир — «Инсонга наф келтириш — олий бахт». Мақсадимиз ягона, у ҳам бўлса, инсон манфаатига хизмат қилиш. Токи, эзгулик ҳаётимиз мазмунига айлансин. Фаолиятимиз мазмуни — меҳр-оқибат, саховатпешалик ва ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишдан иборатдир.***

***Эртанги кун бугундан илҳом олади, таъбир жоиз бўлса, улкан ҳаёт дарахтининг илдизлари бугунги кунимиз, бунёдкорлик ишларимиз ва эртанги кунга нималар билан бораётганимизга қараб янада бақувват тортиб боради. Бунда журналистларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Тилагимиз — машаққатли, айни вақтда ғоят масъулиятли ушбу вазифани бажара туриб, ҳеч қачон толманг, илҳом ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.***

***Байрам муносабати билан барчангизга яна бир бор соғлиқ-саломатлик, оилавий фаровонлик тилаймиз. Ҳақиқатгўйлик, холисона фикр, миллий истиқлол мафкураси ва ғояларига садоқат қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин!***

**Ўзбекистон касаба уюшмалари**
**Федерацияси кенгаши раёсати**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Ижтимоий ҳимоя йилида




**Соғиндиқ оға менга Тўлепберген Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқнома» асарини ҳадя этди. Бу китобни шу вақтгача ўқимаганимдан уялиб кетдим.**

**Уйга келиб, қўлимга қалам олиб, китобни ёққан жойларини чизиб-чизиб ўқидим. Роман-эссе ўзига тортиб кетди. Тугатиб қўйибман. Бундоқ қарасам, деярли бутун асарни чизиб чиқибман.**

**Талабалик йиллари Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асарини шундай завқ билан ўқиб чиққан эдим.**

**Оқсоқол бу китобни менга беҳуда тортиқ қилмаган экан. Кўп саволларимга ундан жавоб топгандай бўлдим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси ташкилотлари Бирлашмаси раиси Соғиндиқ Ниетуллаевдан ўзи ҳақида сўраганимда, камтарлик юзасидан ҳеч нарса айтмади. Жавондаги бир-икки китобини кўрсатди-ю, йиғиштириб олди.**

**Барибир билиб олдим: узоқ йиллар ҳукумат ва адлия идораларида раҳбар лавозимларида ишлаган. Юридик фанлари доктори, қатор дарсликлар, илмий мақолалар муаллифи, шоир.**

**Қорақалпоқ диёри... У она халқи ҳақида ажиб бир муҳаббат ила сўзлади.**

# Порлоқ келажак

## муштарак ниятдан ҳосил бўлади

— Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг ер майдони 165,7 минг кв. километрни ташкил қилади. Аҳолисининг сони — 1,5 миллионга яқин.

Қорақалпоғистон қадимий маданият марказларидан ҳисобланади. Устюртдан топилган қадимий, ноёб буюмлар қорақалпоқ халқининг бой тарихидан дарак беради. Шу боис бу ўлкани очиқ осмон остидаги музей дейишади.

Тўрткўл тумани ҳудудидаги Қўйқирилган қалъада бизнинг эрамизгача IV-III асрларда қадимий эҳром ва астрономик марказ — обсерватория бўлган. Қадимий Хоразм давлатининг пойтахти — Тупроққалъа (Элликқалъа тумани), Хўжайлидаги Миздакхон мажмуалари ноёб ёдгорликлардан ҳисобланади.

Қиёт шаҳри (ҳозирги Беруний) қадимий Хоразм давлатининг Тупроққалъадан кейинги пойтахти бўлиб, ўша даврнинг илмий маркази — Маъмун академиясида буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний билим олган.

Республика ҳудудида бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган маданият, етук ривожланган давр шу заминда вояга етган Шарқ олимлари ва файласуфларининг кишилик ҳаётига кўрсатган таъсири ҳам катта бўлган. Уларнинг бой мероси, миллий қадриятларимиз ота-боболаримиз тафаккурини тараққий эттирди. Беруний, Нажмиддин Кубро, Ал-Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний-Ҳаким ота каби улуғ зотлар мероси Бердақ, Ажиниёз каби доно фарзандлар учун замин яратди. Бу бой мерос бугунги кунда ҳам халқимиз маънавиятига хизмат қилмоқда.

Ҳозир республикада мингдан зиёд тарихий, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳри бўлиб, у ўлканинг иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази ҳисобланади. Нукус ҳудудининг марказий қисмини эгаллаб турган қадимий Шўрча қалъаси тарихи 2000 йилдан зиёд даврни ўз ичига олади.

Археологик тадқиқотлар Шўрча қалъасида эрамизгача бўлган IV асрлар оралиғида ҳаёт мавжуд бўлганлигини, бу қадимий Хоразм давлатининг шимолий-ғарбида истеҳком қалъаларнинг бири бўлиб, чегарани қўриқлаб ва Амударё орқали сув йўли алоқасини назоратга олган қўрғон бўлганлиги аниқланган. Нукус номи XVIII асрнинг ўрталарига оид ёзма манбалардан маълум. Шаҳар 1932 йилдан Республика пойтахти қилиб белгиланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Муҳими, мустақиллик ўзлигимизни англаш, миллий, маданий, тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш имкониятини яратди. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг асосий рамзи — Конституцияси, Давлат Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга бўлди.

***«Қорақалпоқнома»-дан:***

*Кимки астойдил меҳнат қилса, уйининг ёнидаги қумтепани олтинга айлантира олади, дейди доно халқ. Сидқидилдан меҳнат қилган одамнинг юзи ёруғ бўлади. Тинч-тотув, беминнат умрнинг негизи — меҳнат.*

**— Касаба уюшмалари фаолиятининг асл моҳияти эса меҳнат соҳибининг манфаатларини ҳимоя қилишдир.**

Давоми 2-бетда



***Пахтаобод туманидаги «Дилноз» тикув маркази олти йилдан буён фаолият юритмоқда. Бу ерда миллий либослар билан бирга замонавий пардалар, чойшаблар, ёстиқ ҳамда юмшоқ мебеллар учун ғилофлар тикилади. Тикув маркази замонавий машиналар билан жиҳозланган.***

***Марказ раҳбари Дилнозахон Супургибекова «Мода ва дизайн» ҳафталиги фестивалида ҳаваскор дизайнер сифатида иштирок этиб, диплом билан тақдирланди.***

**Суратда: Дилнозахон Супургибекова**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

**Ислом КАРИМОВ:**
***Далаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати кўнгилни қувонтиради. Халқимиз истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишиларимиз бахт, орзу-ният оғушида кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка — Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан қарамоқда.***

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Қорақалпоғистон



# Порлоқ келажак
## муштарак ниятдан ҳосил бўлади

*(Боши 1-бетда)*

— Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси ташкилотлари Бирлашмаси тизими:

Унинг таркибида 354679 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, 3 та республика тармоқ касаба уюшмалари кенгаши, 7 та тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакилликлари, 29 та туман тармоқ касаба уюшмалари кенгаши, 24 та туман ва шаҳар тармоқ вакиллиги ҳамда 1134 бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Бирлашма томонидан касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини ижтимоий шерикчилик асосида ривожлантиришга эътибор қаратилди. Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масаласида назоратни кучайтириш ва иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларни иш билан таъминлаш учун шароит яратиш ва бу борада давлат органларига кўмаклашиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашда ва иш билан таъминлаш борасида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Асосан биринчи навбатда 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, Давлат дастури ва Ўзбекистон асаба уюшмалари Федерациясининг дастурларига мувофиқ, ишлаб чиқилган Бирлашма кенгашининг тадбирлар режасида жамоа шартномаларини қабул қилиш жараёнида кам таъминланган, кўп болали оила аъзолари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилди. Бу масалада Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши Раёсатининг тегишли қарори қабул қилиниб, ижроси назоратга олинди. Жамоа шартномаларини қабул қилиш ва бажарилишини кўриб чиқиш жараёнида Бирлашма ва касаба уюшма кенгашлари ҳамда вакилликларининг ходимлари корхона, муассаса ва ташкилотлардаги меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишларида иштирок этиб, амалий ёрдам кўрсатдилар. Қатор тармоқ касаба уюшмалари томонидан уюштирилган семинар кенгашларда қатнашиб, жамоа шартномаларининг тузилиши бўйича маслаҳатлар берилди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мустаҳкамлаш борасида 9 мингдан ортиқ жамоа шартномаларига имзо чекилди.

**«Қорақалпоқнома»дан:**

*— Улуғлик белгиси — ожизларни ҳимоя қилиш...*

*— Ожизларни ҳимоя қилиш — қудратлиликдан нишонадир..*

*— Улуғликнинг ҳам, қудратлиликнинг ҳам белгиси — ҳалол, пок яшаш...*

***— Хўш, меҳнат аҳлининг ҳимояси юзасидан нима ишлар қилинаяпти?***

— Айниқса, иш билан бандлик масаласида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги билан биргаликда 2007-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари орқали 3228 та кам таъминланган, кўп болали оила ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига 160424,9 минг сўм моддий ёрдам берилди. 256 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари ҳамда 133 нафар ногирон, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари маданий дам олдирилди ва соғломлаштирилди. Ушбу мақсадга 13075,0 минг сўм сарфланиб, шундан 7951,9 минг сўми касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қопланди.

Ёзги мавсумда 5910 нафар болани 26 та оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган. Бугунги кунда 2 та санаторий туридаги, 10 та шаҳардан ташқаридаги ва битта мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Айни кунгача соғломлаштириш оромгоҳларида 1689 бола дам олдирилди.

Оромгоҳларда биринчи навбатда асосан кам таъминланган оилаларнинг болалари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**«Қорақалпоқнома»дан:**

*Одам меҳнати билан одам. У дунёни ўзига хос идрок этиш йўлидаги муттасил интилиши, бетакрор руҳий олами туфайлигина одам!*

* * *

*— Куч нимада?*

*— Бирликда.*

*— Яна нимада?*

*— Яна бирликда.*

***— Касаба уюшмаси... Ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бирлашган ташкилот. Шундай экан, меҳнаткашларнинг ҳуқуқи бузилганда касаба уюшмаси қандай чора кўраяпти?***

Олти ойда жами 182 мурожаат рўйхатга олинган. Шу кунга қадар ёзма мурожаатларнинг 36 таси ижобий ҳал қилинди. Оғзаки мурожаатлар бўйича ўз вақтида тегишли маслаҳатлар берилди. Масалан, ноқонуний равишда ишдан бўшатилган Хўжайли тумани молия бўлими ходими А.Утешова, алоқа тармоғи ходими Т.Хўжамуратова касаба уюшмаларнинг аралашуви билан иш ўрнига қайта тикланди. Шунингдек, «Нукус ЭЛУ» корхонаси ходими А.Калмекенова оиласига бахтсиз ҳодиса туфайли боқувчисини йўқотганлиги учун етказилган зарар ундирилиб берилди. Фуқаролар Д.Елтезеров ва Н.Жарикбасовларнинг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқлари ва ноқонуний тугатилган пенсиялари қайта тикланди.

***— Оққўнгил, серғайрат қорақалпоқ ёшларининг жисмоний маданиятини ошириш борасидаги ишлар қандай кетмоқда?***

— Сизга бир-икки мисол келтирсам масала ойдин бўлади. Апрел ойида Тошкент шаҳрида 15-16 ёшлилар ўртасида Ўзбекистон кубоги учун кичик футбол бўйича бўлиб ўтган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмасига қарашли спорт мактабининг тарбияланувчилари Навоий вилояти жамоасини 2:1 ҳисобида енгиб, Ўзбекистон кубогини олишга муяссар бўлди.

Май ойида Фарғона вилоятида оғир атлетика бўйича ёш спортчилар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги, Республикада хизмат кўрсатган мураббий К.Мамутов ва жаҳон рекордчиси В. Масивит хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда спорт мактабимиз ўқувчиларидан Гулнора Нурлибаева (58 кг) ва Икром Абдикамолов (105 кг) фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Ҳали спортчиларимиз ўз ютуқлари билан бизни кўп бор қувонтиришади, деб умид қиламан.

***— Суҳбатни узоқ давом эттириш мумкин. Яна бир «Қорақалпоқнома» яралса не ажаб. Гапни мухтасар қиладиган бўлсак, ёлғиз чопганида югурик кўринган отни мақташдан эҳтиёт бўл, деган ҳикмат бор. Қадди-камоли, маънавий олами бировдан кам бўлмаган соф ниятли қорақалпоқ халқи ўзбек қардоши билан елкама-елка, устозу шогирд бўлиб, табиий қийинчиликларни ҳам мардонавор енгиб, буюк келажак кошонаси сари сабот билан одимламоқда.***

**«Қорақалпоқнома»дан:**

*«Халқ учун ва халққа фойдали, чинакамига бахтиёр умр суринглар, менинг ардоқли суянчиқларим!» деб қоламан.*

**Довуд МАХДИЙ**

# Фидойи

— Анисия опа, оғир аҳволдаги бемор келтирилди, — қўнғироқ қилди ҳамшира.

Соат тунги иккини кўрсатар эди.

Анисия опа апил-тапил кийиниб, шифохонага йўл олди.

Бекзода исмли келинчакнинг аҳволи анчайин оғир эди. Қон босими баланд. Ёши 32 да. Биринчи туғруқ. Хўжайлидан келибди. Қон босими анча баланд. Қон кетиш эҳтимоли бор.

— Опа, сизга ишониб бу ерга олиб келдик, — дейди турмуш ўртоғи.

— Хавотирланманг, ҳаммаси яхши бўлади,— далда берди шифокор.

— Операция қилсакмикин? — таклиф қилди шифокорлардан бири.

— Бунга ҳожат йўқ, — Анисия опа келинчакнинг ёнига келди. — Қани, асалим, бир ҳаракат қилайликчи, ҳозир она бўласан. Дунёдаги энг катта бахтни ҳис қиласан. Бунинг ҳеч оғир жойи йўқ.

Шифокорнинг ширин сўзлари мўъжиза яратди.

Туғруқ кутилганидан анча осон кечди.

Вақтидан олдин туғилганига қарамай чақалоқнинг соғлиғи жойида эди.

— Бекорга қаҳрамон бўлмаган экансиз, — ташаккур билдирди Бекзоданинг турмуш ўртоғи.

Дарҳақиқат, Анисия Саитова 35 йиллик фаолияти давомида бирон марта янглишмаганлиги, ҳар доим муваффақиятли фаолият юритаётганлиги учун эл-юрт ҳурматига мушарраф бўлди.

Бир кунда 25-30 чақалоқнинг дунёга келишига кўмаклашган кунлари бўлган. Уч-тўрт операция ҳам қилган. Шўманайдан келиб Қўнғиротга, ундан Манғитга кетган. Лекин бирон марта нолиган ёки чарчадим деган эмас.

— Анисия опа бизнинг фахру ифтихоримиз, суянчиғимиз, —дейди Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Нукус филиали директори Саригул Бозорова. — Энг оғир аҳвол-

# Меҳнат аҳли мамнун бўлса...



**Қорақалпоғистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Узоқберган СЕЙТЖАНОВ.**

***Тўрт касб соҳиби: ўқитувчи, гидротехник, сиёсатшунос, иқтисодчи. Турли масъул лавозимларда ишлаган. Вазифа қайси соҳани тақозо этса, шу соҳада ўқиди, изланди. Салкам ўн уч йилдан бери касаба уюшмасида фаолият кўрсатаяпти.***

Қорақалпоғистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 9 туман кенгаши, 7 вакилликдан иборат. Уларда 366 бошланғич ташкилот бўлиб, жами 106888 аъзога эга. Йил давомида бир пленум, тўрт раёсат мажлиси ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, уларда асосан жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, ташкилий ишлар, аъзолик бадали, маданий-маърифий ва спорт ишлари, соғломлаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.



Республика кенгашининг 2007 йил 13 февралдаги раёсат қарори билан Ижтимоий ҳимоя йилида ўтказиладиган тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур тадбирлар барча шаҳар, туман, вакилликлар ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкиллаштирилган ўқув семинарларида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари ўқитилиб, малакалари оширилмоқда. Яқинда тармоқ кенгашида Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири ва етакчи мутахассислари иштирокида жамоа шартномаларининг бажарилиши ва янгидан қабул қилиш бўйича туман кенгашлари раислари, вакиллар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг ўқув машғулоти ўтказилди. Бу касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга катта ёрдам бермоқда.

Айни пайтда касаба уюшмасининг ташаббуси билан қорақалпоқ болалари Ўзбекистон Республикасининг сўлим гўшаларида маза қилиб дам олмоқдалар. Биз уларга яратилган шароит ва кўрсатилаётган меҳрибонликдан ғоят миннатдормиз.

Жойлардаги ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнига 9052 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Шу муносабат билан фермер хўжаликларининг ҳар бирида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузишга эришилди. Бу фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Оринг кетгунча, норин кетсин, дейдилар. Номусли одам эл манфаати йўлидаги ҳар қандай вазифани аъло даражада бажаришга ҳаракат қилади. Меҳнат аҳли биздан мамнун бўлса — олий мукофот шу.

# Пилла мўл бўлди

***Аждодларимиз ипак қурти парваришланаётган хонадонга барака киради, деб ҳисоблашган. Бу тасаввур истиқлол йилларида айни ҳақиқатга айланди. Кейинги йилларда пиллачиликка эътиборнинг кучаяётгани, меҳнатга яраша ҳақ тўланаётгани пиллакорларга рағбат бўлаётгани сир эмас.***



Қорақалпоғистонда мавсумга тайёргарлик эрта бошланди. Асосий эътибор озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилди. Шу мақсадда режадаги 130 гектар ўрнига 135,6 гектар майдонга тут кўчати экилди. Мавжуд 3181 минг туп яккақатор экилган тутларга ва 2673,4 гектар тутзорларга ишлов берилди. Мутахассислар билан пиллакорлар учрашуви ташкил қилиниб, агротехник қоидалар яна бир карра тушунтирилди.

Хитойдан келтирилган 14810 қути ипак қурти уруғи 174 инкубацияда жонлантирилди. 13701 звено пиллакорларга ўз вақтида тарқатилди. Тайёрланадиган ипак қуртига «Анд Голден Силк» МЧЖ билан 150 тонна пиллага фьючер, «Синдор» МЧЖ билан 10 тонна пиллага шартнома имзоланиб, улардан тегишли бўнаклар олинди. Шунингдек, «Силвер Силк» қўшма корхонаси билан 16,6, «Хуалу» корхонаси билан 22 тонна пиллага уруғ учун шартнома тузилди. Қуруқ пилла учун тузилган шартнома жами 198,6 тоннани ташкил қилди. Иқтисодий имкониятларни мустаҳкамлаш мақсадида «Пахта банк»дан 208,7 миллион сўм, Миллий банкдан 20,4 миллион сўм кредит олинди. Ҳар бир қути ипак қурти учун 23 минг сўмдан нақд пул бўнак сифатида берилди.

Об-ҳавонинг ноқулай келиши айрим қийинчиликларни юзага келтирганига қарамай, пиллакорларимиз бор маҳоратларини ишга солдилар.

Натижада 8 июн куни шартномавий режани бажаришга муваффақ бўлдик. Бунда амударёлик пиллакорлар 225 тонна, тўрткўлликлар 163 тонна, берунийликлар 144 тонна, элликқалъаликлар 150 тонна ҳосил билан муносиб улуш қўшдилар. Хусусан, Барно Атамуратова, Зулхумор Сапарбоева, Болтабика Розимбетова, Гулбаҳор Розимова каби кўплаб тажрибали пиллакорлар ҳар бир қутидан 80-90 килограммдан пилла топшириб, муваффақиятни таъминладилар.

**Болтабой ХОЛМУРАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» акциядорлик бирлашмаси раиси**

*Султон бўлма ғайри элда,*
*Чўпон бўл туғилган ерда,*
*Чағалай қуш ўз кўлида*
*Сайрамаса уни бўлмас.*

*Оқшом юлдуз оқиб ўтар,*
*Юрак-бағрим ёқиб ўтар.*
*Ғамсиз кунлар боқиб ўтар,*
*Бахтнинг ойсиз туни бўлмас.*

*Бердимурод ҳақнинг қули,*
*Саҳронинг сара булбули,*
*Беш кун меҳмон одам ули,*
*Армонсиз бир куни бўлмас.*

**БЕРДАҚ**


Бердақ миллий музейи

***Қорақалпоғистондаги касаба уюшма кенгашларида кўплаб ўз касбининг фидойилари хизмат қилишади. Улар ўзаро гурунгларида соҳани янада тараққий этдириш, амалга оширилаётган ишлар, касаба уюшмасининг элдошларимизга кўрсатаётган ғамхўрликлари, халқнинг уюшмага ишончи ортиб бораётганлиги, қорақалпоқ миллий урф-одатлари хусусида фикр алмашадилар.***

# ФАОЛЛАР ГУРУНГИ

***Ҳасан ЕРМАҒАМБЕТОВ,***
***Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раиси ўринбосари:***

— Баҳорнинг охирлари эди. Ишдан одатдагидек кеч чиқдим. Уйимизга яқинлашиб қолгандим. Хаёлимда эртанги кун режалари. Қўшни уйнинг биринчи йўлаги олдида одамлар йиғилганини кўриб ҳайрон бўлдим. Одамларнинг чеҳрасида ғамгинлик бордай эди. Нима гаплигини сўрашга истиҳола қилдим. Уйга киргач, у ерда оломон нимага тўпланганлигини турмуш ўртоғимдан билиб олдим.

— Сут сотиб юрадиган келинчак бор эди-ку, ўша оламдан ўтибди. Бечоранинг турмуш ўртоғи сал олдинроқ вафот этганди. Энди икки норасидаси етим қолди,—кўзига ёш олди турмуш ўртоғим.

Менинг ҳам юрагим эзилди. Шу тобда хаёлимга мен касаба уюшмаси ходимиман, вазифам инсонларга амалий ёрдам кўрсатиш, икки норасидага қандай яхшилик қилсам экан, деган ўй келди.

Ёз яқинлашиб қолганди, кўпчилик болалар таътилда оромгоҳларда дам олишади. Нукус шаҳридаги "Жас аулад" оромгоҳининг довруғи бутун республикамизга маълуму машҳур. Бу ерда болажонларнинг яйраб ором олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё. Бепул йўлланма сўраб таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши раиси Р. Абдураҳмоновга мурожаат қилдим. Раис "жуда тўғри қарор қилибсиз, етимнинг кўнглини олишдан ортиқ бахт борми", дея иккита йўлланмани қўлимга тутқазди.

Йўлланмаларни ўзим олиб борсам, ноқулай бўлар дедим-да, уларни маҳалла қўмитаси раисига бердим. Раис миннатдорчилик билдириб, маҳалла аҳли касаба уюшмаси кўмагидан баҳраманд бўлиб келаётганлигини мамнуният билан гапирди.

Ҳаётимизда, фаолиятимиз давомида бундай ҳолатлар кўп учрайди. Савобли ишга бош қўшаётганимиз фаолиятимизга мазмун бағишлайди.

***Байрам МАТЖОНОВ,***
***Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси вакили,***
***Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон халқ артисти:***

— Дейдиларки, инсон лойдан яралган. Унга жон киритмоқчи бўлганида, жон бош тортибди. Най чалинганида оҳангига маҳлиё бўлиб, танга сингиб кетганини билмай қолибди. Санъат ана шундай сеҳрли кучга эга. Нафақат қўшиқчилик ёки мусиқа, балки ҳайкалтарошлик, рассомлик дейсизми, санъатнинг барча турларида ўзига хос сеҳр бор. Уюшма аъзоларини йиғиб, тез-тез жойларда турли тадбирлар ўтказамиз. Бу тадбирлардан сўнг кишилар ғайратларига ғайрат қўшилганини, ҳаётларида ижобий ўзгаришлар юз берганини неча бор эшитганман.

Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар қорақалпоқ санъати, маданияти ўзига хослигини эътироф этишади. Миллий либосларимиз, қора уйларимиз уларнинг ҳавасини келтиради. Айниқса, анъаналарнинг узлуксиз давом этаётганлиги чет элликларни ҳам ҳайратга солганига неча бор гувоҳ бўлганман. Анъаналар давом этаётганида, санъатимиз юксалиб, дунёга юз очаётганида касаба уюшмамизнинг ҳам ҳиссаси борлигини эътироф этишса, рағбатимиз ортади.

Демак, биз вазифамизни сидқидилдан бажаряпмиз, деб ўйлайман. Насиб қилса, эл-юртга ҳали кўп хизмат қилиш ниятидамиз.

***Мирас САИТОВ,***
***Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси вакили:***

— Қасаба уюшма ташкилотлари фаолларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Суд, прокуратура органлари билан ҳамкорликда "Меҳнат муносабатларига оид меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалиётда қўллаш тартиби" юзасидан ўқув-семинарлари ўтказдик.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан қабул қилинган тадбирлар дастури ижроси назоратга олинди. Шу мақсадда муайян миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, бу спорт мусобақалари ўтказиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланмоқда.

Биз доим халқ орасида бўлишга, уларнинг фикрларини ўрганишга аҳамият берамиз. Байрам оға айтганидек, кўпчилик қорақалпоқ одатлари билан қизиқадилар. Эшитган бўлсангиз, қадимда қорақалпоқ қонунлари-одатларнинг асосий мазмуни меҳмоннавозлик билан боғлиқ бўлган. Меҳмонни яхши кутиш, уни бир кеча қўноқ қилиш, жонлиқ сўйиш шарт қилиб қўйилган. Бу шартни бажармаганлар жазоланганлар.

Меҳмоннинг оёғига қўй сўйиш одати ҳозир ҳам бор. Қўйнинг пиширилган боши дастурхонга тортилади. Меҳмон бир чимдим кесиб олади. Сўнг қулоғини кесиб олиб, тарелкага қўяди. Оиланинг энг кичик фарзандини чақириб, унга эзгу тилакларини айтади ва гўштни беради.

Бундай яхши тилаклардан сўнг фарзанд отасининг дўстларини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Уларга бир умр ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади.

Анъаналарга амал қилган халқ доим тараққиёт йўлидан боради. Биз барча эзгу анъаналар умрбоқий бўлиши учун хизмат қилишдан чарчамаймиз.

**Собир РАҲИМОВ**

## АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

*Фидойи касб эгалари бўлмиш азиз журналистларни, нашриёт ва матбаачиларни касб байрами билан қизғин табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, ижодида баркамоллик тилайди!*



## ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Уларга машаққатли, аммо шарафли ишларида муваффақиятлар тилаб қолади!*



## Жиззах вилоят Молия бошқармаси жамоаси

**Мамлакатимиздаги барча қалам аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан**

*муборакбод этади*

**Барчангизга эзгулик йўлида сабот ва матонат, ғайрат, оилавий бахт, соғлик-саломатлик тилайди.**

## АНДИЖОН ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

**Ўзбекистондаги барча қалам ахлини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади.**

*Заҳматкаш қалам аҳлига бахт-саодат, ижодий ютуқлар ва хонадонларига файзу барака тилайди.*




## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини накд ва пул ўтказиш йўли билан, «ВАЗ» автомобилларини накд пулга сотишини маълум қилади.





* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51, 276-77-20.
Факс: (8-371) 276-97-40




Хабар

## Кўрик-танлов

***Китоб туман санъат саройида ашула ва рақс ансамбллари ҳамда фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят кўрик-танлови уюштирилди.***

Ашула ва рақс санъатини ривожлантириш, халқ қўшиқлари ва лапарларини ўрганиш, ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган кўрик-танловнинг ранг-баранг дастурлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Бадиий ижодкорлар баҳсида Китоб туманининг «Садо» ансамбли, Қарши туманининг «Момогул» фольклор-этнографик жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан фуқаро Жамил Ермановга берилган 1908765515-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**


6/36 Sportlotto

303-тираж якуни

74 000 000 jackpot

1 16 9 14 35 34

6 та рақам - йўқ
4 та рақам - 63 та - 17757 сўмдан
5 та рақам - 2 та - 329028 сўмдан
3 та рақам - 921 та - 600 сўмдан

Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС).
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

7/35 Sportlotto

116-тираж якуни

35 000 000 jackpot

6 14 34 8 25 33 22

7 та рақам - йўқ
6 та рақам - 1 та- 400 000 сўмдан 4 та рақам - 402 та - 1200 сўмдан
5 та рақам - 26 та - 12000 сўмдан 3 та рақам - 2160 та - 400 сўмдан

Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС).
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54



МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият
153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими:
153-87-63

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими:
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими:
153-87-74

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:
153-82-79

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими:
153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134

E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Ҳ.Жўраева
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 01.20

Буюртма Г — 514

Тиражи: 16558

1 2 3 4 5